



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ҚЎШИҚЧИЛИК ИЖОДИЁТИ ВА УЛАРНИНГ МУСИҚИЙ-ПОЭТИК ҚОНУНИЯТЛАРИ. (АМАЛИЙ ВА НОАМАЛИЙ ЖАНРЛАРИ)

Тожибоев Сардор Ўктам ўғли

Юнус Ражабий номидаги

Ўзбек миллий мусиқа санъати институти
“Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси
Ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5578682>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021
Ma'qullandi: 10- oktabr 2021
Chop etildi: 15- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

маданият,
маърифат, санъат,
мусиқа, жанр, фольклор,
қўшиқ, ашула, ансамбл,
ижро.

ANNOTATSIYA

Мусиқа фольклор санъатининг локал жихатдан ўрганилмай қолган ҳудудлар мавжуд бўлиб, ҳар бирини алоҳида хусусиятлари билан очиб бериш бугунги кундаги долзарб масалалардандир. Локал жиҳатларини очиб бериш учун эса бугунги кунда ноёб қўлёзма ва ижрочиларни ўрганиш, ижро анъанавийлигини сақлаган ҳолда келажак авлодга етказиб бериш лозимдир. Ушбу мақолада ушбу масалаларга урғу берилган.

Тошкент вилояти мусиқа фольклорида жанрлар таркиби ҳаётий қамрови, мусиқий поэтик тизими яхлитлиги, маиший йўналганлиги, ижтимоий-маданий муҳити билан алоқадорлиги, ижро услуби ва функционаллиги билан ажралиб туради. Ҳар бир фольклор жанри ёки тури ўзига хос мавқеи, мусиқий қонуниятлари ҳамда ижрочилигидан далолат беради. Тошкент вилояти мусиқа фольклори амалий ва ноамалий жанрларидан иборат бўлиб, ҳар бири чолғу ва айтим йўллари билан ифодаланади.

Ҳозирги кунда фольклор жанрлари ва турлари ўзининг асл ҳолатлари қайта ишланган ва саҳнавий кўринишда ривож олмоқда. Шунининг билан олган ҳолда фольклор

жанрлари таркибини тўғри аниқлаш долзарб масалалардан биридир.

Шунининг таъкидлашим лозимки, таснифлаш жуда мурракаб услуб ва шу туфайли ҳар бир маданиятнинг жанр таркибини аниқлаш, қуйидаги хусусиятлар орқали тузиш мумкин. Масалан:

- Ижрочилар таркиби;
- Функционаллик хусусияти;
- Мавзу ва мазмуни орқали;
- Ижро услуби, ижрочилик

хусусияти;

Ўзбек фольклори ўзининг мавзуйлик, функционаллик, ижрочилик хусусиятлари орқали иккита, яъни шартланган ва шартланмаган гуруҳга бўлинган бўлса, ҳозирги кунда бу замонавий атама билан



номланмоқда. амалий ва ноамалийдир. Профессор Р.С.Абдуллаев ўзининг “Ўзбек маросим мусиқаси жанрларнинг таснифи” номли мақоласида ҳамда “Маросим ва мусиқа” монографиясида жанрлар таснифини келтириб ўтган.

Илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, мусиқа фольклори қадимдан иккита йўналишга бўлиниб, илмий ўрганилиб, ривожланиб келган.

Жамиятнинг ривожланиши, ўсиши билан халқ тушунчаси ҳам ўзгариб боради. Бу ўз навбатида халқ ижоди шаклланиши ва ривож олишига олиб келади. Мусиқа фольклори халқнинг ҳаётини акс эттиради, халқнинг олам ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради, унинг диди-завқини, ижтимоий-сиёсий, тарихий, фалсафий ва бадиий эстетик қарашларини ўзида мужассамлаштиради. Бу нарса мусиқа фольклори асарлари мазмун ва ғоясининг чуқур халқчилигини кўрсатади. Чунки тарихий-ижтимоий воқеалар фольклор асарларида халқнинг муносабатлари нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ўзбек мусиқа фольклори халқ томонидан асрлар давомида яратилиб, авлоддан-авлодга, устоздан-шогирдга ўтиб, сақланиб, ўзлаштириб, ҳозиргача ривож олиб келмоқда. Маълумки, қадим замонларда илк бор юзага келган мусиқа фольклори омма томонидан оғзаки анъанада ижод қилинган ва ижро этилган. Кейинчалик эса истеъдодли кишилар томонидан ўзига хос намуналари яратилди. Улар ўз ижодида қабила ва уруғ одатлари ҳоҳишлари, эътиқодлари, табиат билан боғлиқ бўлган муносабатлари ҳамда дунёқарашларини ҳикоя қилдирган

(Халқ бир вақтнинг ўзида яратувчи, сақловчи, етказувчи функцияларини бажариб келган; бу ўз навбатида ҳаётини қонуниятдир). Демак, халқнинг ўзи бир вақтда ижодкор, айна пайтда ижрочи ҳамдир. Ижодкор ва ижрочи асар яратишда ўзлаштирган тажриба ва анъаналарга суянади, ижро давомида ўзидан бирон унсур қўшади ва уни шароитга мослаштиради. Унинг яратилиши ва тарқалиши жонли оғзаки анъана билан боғлиқдир. Тузилиши ва ечими ҳам реал, ҳаётини билан ажралиб туради. Мусиқа фольклорида анъанавийлик билан бир қаторда ижодий ўзгарувчанлик ҳам хосдир.

Мусиқа фольклори – мусиқа ва сўз санъатларининг бошланғич, юксак маҳорали бадиий тизимидир. Унда халқнинг бадиий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик муносабат ифодалаган.

Шарқ халқлари мусиқа ижодини нота ёзувига тушириш ва магнит тасмаларига ёзиб олиш асосан XX асрнинг бошларига тўғри келади. Демак, Тошкент вилояти бўйича экспедициялар уюштириш 1932 йилдан бери давом этиб келмоқда. Бундай экспедицияларни бошланиши Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан боғлиқдир. Дастлаб бу экспедиция жараёнини В.А.Успенский, Е.Романовская, М.Четвертаков, Ил.Акбаров, М.Алиев, К.Олимбоева, Н.Покровская, А.Избицкий, В.Соболев, К.Абдуллаев, М.Алавия О.Саидова, М.Ковбас, М.Аҳмедов, Р.С.Абдуллаев, Х.Саидова, О.А.Иброҳимов, С.Бегматов каби олимлар бошлаб берганлар. Шу билан бирга 1972 йилдан бошлаб Тошкент давлат консерваториясида “Шарқ



музиқаси” кафедраси очилгандан кейин, ушбу олийгоҳни талабалари фольклор амалиёти фанидан ҳам экспедицияга чиқишни бошлаб бердилар ва бу анъана ҳар йили давом эттирилиб то 2012 йилгача сақланиб қолди. Экспедиция жараёнида ёзиб олинган турли ҳил музиқа намуналари сақланиб, нотага олиниб, ҳозирги кунда ўрганилиб келмоқда.

Бу вилоятнинг туманларида юзага келган ва сақланиб келинаётган музиқа фольклори ҳаётини намойиш этиш мақсадида ҳар бир туман учун маълумотлар экспедициялар жараёнида тўпланиб борилган ва улар асосида махсус хариталар тузилди. Ушбу хариталарда вилоят аҳолисининг миллий этник таркиби, музиқа чолғулари ва фольклор жанрларни тарқалиши амалий намоён бўлади. Бундай бўлиниш асосида энг аввало музиқий анъаналарни ўзаро ўхшашлиги, яқинлиги ёки умуман бир хил эканлиги аён бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтишим керакки, Тошкент вилоятининг халқ музиқа мероси халқнинг муайян турмуш тарзи, яшаш муҳити, дунёқараши, руҳияти ва шеваларининг муштарак таъсирида юзага келгандир.

Тошкент вилоятининг музиқа маданияти мавзуси асосан, ижтимоий турмушидан яъни уларнинг кундалик ҳаётидан келиб чиқиб тараннум этади. Бу эса тарихдан бизга маълумки, бу ҳудуд асосан қадимда овчилик, кейинчалик эса деҳқончилик, боғдорчилик, ғалла ва пахтачилик, чорвачилик, кулолчилик,

хунарманчилик, ҳар ҳил заводларнинг фаолияти ва машинасозлик каби соҳалар билан бевосита алоқада бўлиб, айна чоқда меҳнаткаш омманинг қадимий урф-одатлари, ҳилма-хил маросимлари ва эътиқодлари негизида яшаб келиб, ҳозирги кунгача сақланиб, сайқалланиб келгандир.

XIX аср охири XX аср бошларида асосан кўшиқ жанри орқали аҳоли ўзининг ҳис-туйғулари, ҳаяжони, фикр-мулоҳазалари ифодалаб ҳамда меҳнаткаш халқнинг ички руҳий кечинмалари, тирикчилиги, яшаш учун кураши, ижтимоий муносабатлари ва тушунчалари, дунёқарабини акс этирган. Бундай кўшиқлар орқали куйланган фикр ва қарашлар чуқур умумлашмалик хусусиятига эга бўлгандан, кейин оғиздан-оғизга ўтиб, сайқал топиб келган. Кўшиқлар халқ олдида созсиз, баъзан дутор, дўмбира, доира ёки бошқа чолғулар жўрлигида ҳилма – ҳил оҳангларда куйланган. Кўшиқ ижро этиш жараёни билан биргаликда, халқ ўйинлари ва рақс санъати билан синтез тарзда ривожланганини кўришимиз мумкин.

Кўшиқ атамаси кенг маъноли тушунча бўлиб, дастлабки у ҳақидаги маълумот ёзма адабиётда XI асрда яшаб ижод қилган М.Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида учрайди. Маълум бўлишича, туркий халқларда авваллари кўшуғ (“кўшиқ”) ибораси шеър, қасида сифатида талқин қилинар экан¹. М.Қошғарийнинг кўшиқ ҳақида ўз асарида маълумот бериб ўтишидан кўриниб турибдики, XI асрга келиб

¹М.Қошғарий. Девону луғатит турк. Уч томлик. 1-том. Тошкент: ЎзФА нашириёти, 1960.



қўшиқ жанр сифатида қисман шаклланиб бўлган. Шунингдек, “қўшиқ” сўзини Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида, XII асрда ёзилган Маҳмуд Замаҳшарийнинг “Муқаддиматул-адаб” луғатида ҳам худди шу маъноларда учратамиз. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Мезонул-авзон” ва Захриддин Бобурнинг “Рисолаи аруз” асарларида “Қўшиқ сўзи суруд, аёлғу, лаҳн, туркий тарона, ашула, ўлан, чинга (чинка) номи билан ҳам тарқалган, улар қўшиқнинг турли жанрларини аташ учун қўлланилгани баён қилинади. Баъзи олимлар эса қўшиқни “қўшмоқ” феъли билан таърифлаб, шеър ва куй уйғунлашуви, қўшилиши натижасида пайдо бўладиган санъат асари дея таърифлашади. Умуман, қўшиқ-муסיқа ва шеърятининг энг қадимий шаклларида бири бўлиб, куйга солиб айтишга мўлжалланган бир неча куплет (банд)ли муסיқий-шеърый асар. Қадимги замонларда қўшиқнинг сўзлари (шеърый матни) унинг куйи билан бирга вужудга келиб, у муסיқа ва ҳаракат билан бирга ҳамроҳ эди. Қўшиқ иш вақтида, дам олишда, турли хил маросимларда куйланган. Халқ орасида куйланиб юрилган туйуқ, чинга (ёр-ёр), мустазад, қўшуқ, туркий каби жанрларни Алишер Навоий, аруз вазнлари билан боғлиқ масалаларни ёритиш учун, ўзининг “Мезон ул-авзон” асарига киритади.² Қўшиқлар ривожланишидан даставвал айтим сифатида кенг ривожланган ва кейинчалик қўшиққа айланган. Халқнинг маиший ҳаёти ва шу билан

бирга маданиятининг такомиллашиши қўшиқни турли жанрларга бўлинишига олиб келган.

Маросим қўшиқчилиги энг қадимдан шаклланган жанр бўлиб, халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган холда доимо ривожланиб келган. Ҳар бир маросим, одат ва анъана ўзининг иқтисодий заминига, тарихий илдизи ва ғоясига эга. Муסיқавий анъана ва санъатимизнинг тарихий тақдирини, қадимий тушунча қолдиқларини, халқ шеърятини ва куйларини ўрганиш учун маросим қўшиқчилиги бой манба бўлиб хизмат қилади. Биз бирор маросимни қўшиқларсиз ёки айтим йўқловларсиз тасаввур эта олмаймиз. Ҳар бир маросим қўшиқлари бирор бир жараённи очиб берган холда ўзининг тараққиёт йўлига эга. Масалан, тўй маросимлари билан боғлиқ бўлган “ёр-ёр” қўшиғини олайлик. Юқорида таъкидлаганимиздек “ёр-ёр” ҳақида дастлабки маълумотлар Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида келтириб ўтган. Халқимизнинг никоҳ тўйи маросимида “ёр-ёр” қўшиғини айтиш XV-XVI асрларда ғоят кенг тарқалганлигини Захриддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Мухтасар”(Рисолаи аруз) номли асарида эътироф этган эди. У ўша даврда халқ орасида анъанавий қўшиқларнинг “туркий”, “ўлан”, “ёр-ёр” сингари турлари жуда кенг оммалашганлиги ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “Атрок аросида бир суруд борким, “ўлан” дерлар”, аксар тўйларда айтурлар, бу вазн анга мавсумдур. Аввал сурудға тақсим қилурда ҳар мисрадин сўнг “ёр-

²А.Навоий. Мезон ул-авзон/ А.Навоий Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 16-жилд. Тошкент: Фан, 2000. 91-94-бетлар.



ёр” лавзин келтирурлар”.³ Бундан ташқари Фирдавсий, Умар Хайём, Низомий каби олимларнинг рисолаларида ҳам юқоридаги каби маълумотлар келтириб ўтилган.

Ўзининг чуқур ўтмишига эга бўлган халқ маданияти асрлар оша фақат оғзаки тарзда ривожланиб келди. Бевосита кўшиқ инсонларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб, меҳнат жараёнида, тўй-ҳашам маросимлари, аза-мотам, деҳқончиликдан тортиб чорвачиликгача, умуман, инсон ҳаётининг ўзи кўшиқ билан чамбарчас боғлиқдир. Халқ маданий ҳаётдан маълумот берувчи кўшиқ намуналари азалдан омма эътиборида бўлган. Кўплаб олимлар кўшиқларнинг маъно мазмунини, куй оҳанглари, ижро этиш услуби ва жанр хусусиятларини аниқлашда изланишлар олиб борганлар. Хусусан, таниқли фольклоршунос олим А.Мусақулов “кўшиқ” атамасининг маъноси ҳақида ўзининг “Ўзбек халқ лирикаси” китобида фикр юритар экан, “бу атама “кўш”-жуфтлик, иккилик маъносини англатади” – дея таъкидлаган⁴. Кўшиқ мазмун, оҳанг, вазн, қофия, ритм жиҳатидан бир-бирига тенг, уйғун мисраларни кўшиш орқали куйланиб, рақсга тушиб ижро этиладиган халқ фольклор намуналаридандир. Кўшиқ халқ ҳаётида катта ўрин тутди, чунки у яхши ва ёмон кунларида кўшиққа мурожаат қилади-кўшиқ билан ўз шодлигини билдиради, кўшиқ билан дард-армонини куйлайди. Мана шунинг

учун ҳам кўшиқ инсон ҳаётида нуқтилмай, авлодлардан авлодларга узатилиб, асрлар оша яшаб келмоқда.

Муסיқашунос олимлар ҳам кўшиқ санъати ҳақида ўз ишларида маълумотлар келтиришган. Жумладан Е.Е.Романовская халқ кўшиқчилигида кўшиқ бармоқ вазнида 7, 8, 9, 11 сатрли, асосан куплет шаклида лекин нақарот кўшилиши билан кенгайди, синкопали ритм устунлик қилади. 13, 15 қаторли шеърли матнлар ишлатилиши асарнинг муסיқий томонини мураккаблаштиради, чунки, асарда мураккаб шакл ишлатилишга тўғри келади дейди⁵.

И.А.Акбаровнинг муסיқа луғатида: “Кўшиқ – шеър ва куйи халқ томонидан ижод қилиниб ва халқ орасида кенг тарқалган жанр; Кўшиқ шеърлари бир неча банд бўлиб, баъзан нақаротли бўлади. Қадимда халқ орасида кенг тарқалган бу жанрнинг шеъри ва муסיқаси бир йўлда яратилган дея фикр билдирадилар”⁶.

Ф.Кароматли кўшиқ жанри одатда 7-8 бўғинли мисралари ааба (абаб, аабб) тарзида қофияланадиган тўртликлар тури-рубойлар (ёки уларнинг 1-2 мисрасини) қамраб оладиган, нисбатан кичик диапазон ва куплет тузилишидаги куйлардан иборатдир. Шеърлий тўртликларнинг ҳар бир мисрасига одатда тугалланган мелодик тузилма тўғри келади. Шу билан бирга тўртликларнинг кўпинча учинчи мисрасига тушадиган мантиқий урғуси куйда ҳам (нисбатан баландроқ

³М.Жўраев, Л.Худойқулова Икки кўнгилик бир бўлсин Тошкент, 2016, 7-бет.

⁴Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси.-Тошкент:Фан, 1995, 12-19 бетлар.

⁵ Е.Е. Романовская Статьи и доклады Записи музыкального фольклора Тошкент, 1957, 34-бет.

⁶ И.А. Акбаров. Муסיқа луғати. Тошкент.-1997, 387-бет.



регистрдаги овозлар, парданинг турғун бўлмаган поғоналари ва ҳоказо воситасида) берилди. Қўшиқ шеърий матни бўғинларининг чўзиқ айтилмаслиги эса ўз навбатида куйнинг ритмик тузилиши хусусиятларининг асосини ташкил этган. Қўшиқ жанрида ҳар бир мисрага қўшиладиган нақорот сўзлар ҳамда ҳар бир тўртлик (ёки унинг ярмиси) дан кейин келадиган расмана нақоротлар ҳам кўп учраб туради.⁷

О.Иброҳимов эса “қўшиқ” атамасини икки хил таърифлайди, кенг маънода бу атаманинг луғавий негизи сўз билан куйнинг ўзаро бирлашиши, қўшилиш (бошқача айтганда – умуман овоз билан куйлаш)ни англатса, тор маънода – қўш қофия билан бошланувчи (яъни дастлабки мисралари қофиядош бўлган) муайян айтим турини ифодалайди.⁸

Қўшиқчилик санъати умумлашган ҳолда ўз ичига жанр, ижодкорлик ва ижрочилик йўналишларини қамраб олади. Қўшиқларнинг тузилиши, шакли ва қай тарзда ижро этилиши қўшиқчилик санъатига киради. Ижодкорлик деганда қўшиқларнинг қай усулда яратилиши, унинг куй ва сўз тили қолаверса буларнинг бир бирига уйғунлиги тушунилади. Фольклоршунос олим Р.Носиров ўзининг “Халқ қўшиқлари композицияси” китобида қўшиқчилик санъати ҳақида куйидаги фикрларини билдириб ўтади: “қўшиқчилик бу қадимдан икки маънода қўлланилиб келинган. Кенг маънода у халқ ижодига

мансуб лирик жанрларни, яъни халқ лирикасининг барча жанрларини ифодалаган бўлса, тор маънода оғзаки яратилган ва кўп ҳолларда рақс билан ижро этиладиган тўртлик шаклидаги айтимларни англатади”.⁹

Қўшиқчилик ўз ичига:

1. Сўз
2. Куй, мусиқа
3. Ижрочиликни

қамраб олади.

Қўшиқчиликда сўз – мавзу матни, куй эса уйғунлик билан сўз мазмунини очиб беради. Ижрочилик ҳаммасини бирлаштирган ҳолда қўшиқ жанрини юксалишига олиб келади.

Ўзбек қўшиқчилигида Республикамиз вилоятларига хос бўлган локал услублари кенг пайдо бўлади. “Ўзбекистоннинг географик жихатдан водийларга бўлиниши мусиқада ҳам акс этган” – деб таъкидлайди И.Акбаров.¹⁰

Тошкент вилояти мусиқа фольклори умум ўзбек фольклорига ўхшаш иккита амалий ва ноамалий гуруҳларга бўлиниб, ҳар бири ўзига хос жанрлар ҳамда турларига бўлинади. Аммо мусиқа маданияти ривожланиш жараёни, маълум даврларга халқнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ўзгариши ва омманинг бадий-эстетик талаби, моҳиятига, муҳитига таянган ҳолда жанрлар таркиби ўзгариб борган: айримлари сайқалланиб, такомиллашиб, янги муҳитга мослашган; айримлари эса ҳаётий истеъмолдан чиқиб, йўқолиш арафасида фақатгина катта ёшли

⁷ Ф. Кароматли Ўзбек халқи мусиқа мероси. Тошкент, 1978 7-бет.

⁸ О.А. Иброҳимов Ўзбек халқ мусиқа ижоди. Тошкент, 1994 45-бет.

⁹ Носиров Н. Халқ қўшиқлари композицияси. Тошкент: Фан, 2006, 15-бет.

¹⁰ А. Мусақулов Ўзбек халқ лирикаси, Тошкент, 2010, 42-бет.



намояндаларнинг хотирасида сақланиб қолган.

Тошкент вилоятининг муסיқий ҳаётидан келиб чиққан ҳолда муסיқа фольклори ҳозирги кунда Паркент, Бўстонлик, Янгийўл, Зангиота, Қуйи ва Юқори Чирчиқ туманларида сақланган ва ривож олиб тарғиб этилмоқда, бошқа туманларда айрим жанрлар ҳаёт кечирмоқда. У ҳам туманларда фаолият кўрсатган фольклор-этнографик ва оилавий ансамбллари билан боғлиқ. Булардан ташқари ўтмишда Тошкент вилояти мумтоз муסיқанинг жанрлари ҳам тарқалган, жумладан, мумтоз ашула йўллари, катта ашула, дostonчилик ва мақомчилик санъати. Масалан, Паркент ва Бўка туманларида дostonчилик, лекин унинг ижрочилари айрим дostonлардан парчалар ва термалар ижрочиси сифатида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда дoston ёки терма ижрочилари йўқ (шу боис дўмбира ҳам истеъмолда сақланиб қолмаган).

Мақомчилик санъати Зангиота ва Янгийўл туманларда тарқалган бўлиб, ушбу ҳолат етук хонандалар ҳамда бастакорлар бу туманларда истиқомат қилганлари ва уларни фаолиятлари Тошкент шаҳрида, айниқса, XX аср бошларида фаолият қилган етук ўзбек бастакорлари билан боғлиқ бўлган. Ушбу туманларда ҳаваскор мақом ансамбллари ташкил этилиб, бу санъатга эътибор ўша даврларда жадаллаштирилган, жумладан, Отавали Нуритдинов, Мамат Каримов, Саидазим Қудратхўжаев ва бошқалар.

Тошкент Ўзбекистоннинг маркази бўлиб, унинг маданий ҳаётида

кўпгина бастакорлар ва санъаткорлар фаолият кўрсатиб, ўз ижодлари ва ижрочилик санъатлари билан Ўзбекистон муסיқа маданиятига катта ҳисса қўшиб келишган. Айнан ушбу бастакорлар ва етук созандалар-хонандалар Тошкент вилояти муסיқа маданияти ривожига, жойларда ҳаваскорлик санъати, жумладан, ҳаваскор мақом ансамбллари ташкил этилишида ҳамда мақомчиликни тарқалишига ҳисса қўшганлар.

Тошкент вилоятига ҳос бўлган локал услублари қуйидагича;

1. Тошкент, Янгийўл, Оҳангарон,
2. Олмалик, Ангрен.
3. Чирчиқ, Ғазалкент, Паркент.
4. Пискент, Нурафшон, Чиноз.
5. Бекобод, Оққўрғон, Бўка.

Биз ушбу бўлинишни муסיқашунос, олим Ф.М.Кароматли томонларидан белгилаб берган мезонларга таянган ҳолда услубларга шартли бўлмаган ҳолда бўлдик. Масалан, жанр тарқалиши ва уларнинг ижро этиш услубларига қараб, жумладан, Тошкент, Янгийўл, Оҳангарон, минтақасида муסיқа фольклорининг амалий ва ноамалий жанрлар мавжуд. (алла, тўй маросим, аза-мотам, меҳнат, лапар, ўлан ва б.)

Ҳозирги вақтда Тошкент вилоятидаги муסיқа маданиятнинг ҳолати ва муҳитини назарга олган ҳолда муסיқа фольклорнинг жанрлар таркиби қуйидагича;

1. Амалий жанрлар гуруҳи (Кўшиқчилик санъати)



1. Алла
2. Тўй маросим кўшиқлари
3. Аза-мотам айтими
4. Кўчирик айтими.

Ўтмишда – мавсумий (ёмғир чақириш, чой момо – шамол тўхтатиш, шамол чақириш (масалан, Бекобод туманида) бойчечак ва рамазон маросимлари билан боғлиқ айтими – кўшиқлари; деҳқончилик ва чорвачилик кўшиқлари ҳам тарқалган);

2. Ноамалий жанрлар таркиби:

1. Лирик кўшиқлар;

2. Терма, кўшиқ, ўлан, лапар, ялла, ва ашула.

Ўтмишда Тошкент вилоятида музика чолғуларнинг ҳамма гуруҳлари-торли, пуфлама-дамли ва урма-зарбли чолғулари кенг тарқалган бўлиб, улар ижросидаги чолғу куйлари, аксарияти халқ чолғу музикаси намуналари, жумладан, тўй маросим куйлари анъанавий ансамбли (маросимли-байрамона анъанавий ансамбли; таркибида – ноғора, доира, сурнай, карнай) ижросида: якка – дутор, най, сибизғи куйлари ҳамда ноғора ва доира усуллари тарқалган. Ҳозирги кунда ҳамма ўзбек музика чолғулари истеъмолда бўлгани учун ушбу музика профессионал ва хаваскор чолғу ансамбллари ҳамда якка созлик ижрочилик кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг яна бир сабаби республикамизда кўрик-танловлар, фестиваллар ва бошқа турли тадбирлар ўтказилишидир.

Экспедиция жараёни шуни кўрсатадики, Тошкент вилояти умуман

ҳамма музика фольклорига жанр ва турлари мавжуд (халқда сақланиш хотираси нуқтаи назарида). Буларнинг аксарияти фольклор ансамбллари репертуарларидан жойлашиши, уларнинг саҳнавий, маросимлар жараёнида кўринишида тикланган ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Бу нафақат ўзбек музика фольклори, балки вилоятда яшаб, ижод қилаётган турли халқ ва миллатлар фольклор намуналарида кузатиш мумкин. Масалан, рус шаҳар ва қишлоқ фольклори намуналари рус фольклор ансамбллари ва хорлари фаолиятида корейс халқ кўшиқлари, татар, қозоқ, қирғиз, уйғур ва бошқа халқлари кўшиқлари мисолида.

Тошкент вилоятининг янги туманлари аҳоли асосан миграциялари жараёнида юзага келган бўлиб, уларда бирон маросим ҳамда меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлмаган намуналар кенг тарқалган. Бу намуналарининг аксарияти турфа кўринишда намоён бўлади. Аммо маросимлар билан боғлиқ айрим кўшиқ жанрлари ва айтими ҳам бу туманларда ўзига хос тарзда куйланади. Бунда асосий водий оҳанглари заминидан куйланувчи оилавий маросим кўшиқлари муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга кўчиб келганларнинг аксарияти ёшлар бўлгани сабабли бу каби кўшиқларни ижро этиш вазиятлари муҳим саналмайди.

Айрим туманларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, Бекобод туманида юзага келган музикаий ҳаёт маълум маънода вилоят миқёсида рўй бераётган маданий жараёнларнинг кичик инъикосини эслатади. Бунда хусусан, Фарғона водийси ҳамда вилоятдан



кўчиб келган аҳоли бадий анъаналарини кўриш мумкин. Бу ҳолат оилавий маросим ва урф-одатлар ўтказилишида намоён бўлади. Айрим мисолларни келтириб ўтамыз. Бу туманда асосан Фарғона вилоятдан кўчиб келган аҳоли яшайди. Анъаналарига кўра, улар ҳозир ҳам водийга ҳос “Ёр-ёр”лар ва “Келин салом”ларни никоҳ тўйи маросимларида ижро этиб келмоқдалар. Сухбатдош-ижрочиларни маълумотларига кўра, Турдалиева Саодат, 1955 йили Кўқондан, Деҳқонова Манусҳон 1956 йили Фарғонадан, Дўсматова Салима 1952 йили Фарғонадан кўчиб келишган бўлиб, уларнинг репертуарларида “Саломнома”, “Омон ёр”, “Учир-учир”, “Шоҳимардон тоғларида”, “Наҳори нашта”, “Зебижон”, “Қора соч”, “Кетма ёрим” каби кўшиқлар ўрин олган. Шу билан бирга Қолгансир қишлоғида яшовчи Бобоева Фотима, Бобоева Сайёра, Жўраева Мирмамат, Салимбоева Ноҳаётлар репертуарларида тожик фольклорига ҳос кўшиқлар – “Омад-омадан дордам”, “Аё духтор”, “Савсар Гулиман”, “Аз карато омадед”, “Ёр-ёр” билан ўзбек фольклорига ҳос тўй кўшиқлари “Ёр-ёр”, “Келин салом”, терма, лапар, яллалар “Айлама-айлама”, “Майда-майда”, “Кичкина ёр”, “Тўтижон” ижро этилади.

Тўй ва аза-мотам маросимларида куйланидиган бошқа айрим намуналар ҳам айни кунда туманнинг кўпгина ҳудудларида жорий этилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим азалий кўшиқда сўз усталиги бадий ўхшатма, фикрни қиёсий ифодалаш усуллари билан маҳорат билан фойдаланиди. Шу тарзда оммага

янги кириб келган “Рамазон” кўшиғини мисол қилиб олишимиз мумкин. Бобораим Шодмонов рамазончи сифатида ушбу маросим кўшиғини янги тусда оммага тухфа қилиб, уни фақатгина Рамазон ойидагина эмас, балки Наврўз ва Мустақиллик байрамларида уйма-уй юриб хонадон эгаларига яхши тилаклар тилаб келмоқда.

Ўзининг бой табиати, муътадил иқлими билан машҳур бўлган Паркент ва унинг атроф ҳудуди қадимий аҳоли манзилгоҳларидан бири бўлган. Археологик маълумотларга қараганда, бу ерларда илк инсон палеолит даврида пайдо булган. Заркент, Номданак қишлоқларида биринчи доимий турар жойлар тахминан 2800-3000 йиллар мукаддам пайдо бўлганлиги манбаларда талқин этилади. Паркент шаҳрида биринчи муҳим турар жойлар милoddан аввалги II-I асрларда пайдо бўлган. Жануб ва жанубий шарқдан Оҳангарон, ғарбдан Юқори Чирчиқ ва Шимолдан Бўстонлиқ туманлари билан чегарадош. Паркент тумани Тошкент вилоятини йирик туманларидан бири бўлиб, аҳолиси тожик, рус, қozoқ, татар, немис ва асосан, ўзбеклардан ташкил топган. Бу тумандаги аҳоли боғдорчилик, узумчилик, деҳқончилик билан шуғулланади. Паркент тумани тоғли туманлардан ҳисобланиб, Тошкент шаҳри ва вилоят аҳолиси дам олиш масканига айлантирган.

Туманда маданий шароит анчагина ривожланиб, юртимизда ўтказилиб келинаётган кўпгина байрам ва сайиларда ансамбль ва якка соз вакиллари иштирок этиб келади. Туман мусиқий ҳаётида кўпроқ ўзбек ва тожик



мусиқа анъаналари устиворлик қилади. Масалан, тўй маросим қўшиқлари “Ёр-ёр”, “Келин салом”, “Ўлан”, “Хай арус”, “Арус барон”, “Омад-омад”, “Устози сартарош”, “Лапар айтар”лар жўрсиз ёки доира жўрлигида ўзига ҳос оҳангларда ижро этилган. Асосан туманда терма, лапар, ялла, ўлан каби жанрлар кенг тарқалган. “Ушбу туманни тожик қўшиқчилик услуби Жиззах вилояти Фориш туманида истиқомат қилувчи тожикларни ижро услублари сезилиб туради”, - дейди устозим Р.С.Абдуллаев экспедиция жараёнида. Бунда куй-оҳанг тузилиши ва ривож, шакл кўриниши, равон усулда, нисбатан сустроқ суръатда ижро этилиши, муסיқий шеваси яқинлигидан далолат беради. Буни биз Хисорак қишлоғи маданият уйи қошида ташкил топган аёллар “Ёр-ёр” фольклор ансамблининг репертуаридан ўрин олган ўзбек ва тожик қўшиқлари (асосан, тўй маросим ва маиший-лирик қўшиқлари) учун характерли оҳанглар заминидан намоён бўлади. Маданий турмуш жараёнида туманда асосан дутор ва доира чолғулари қўлланилмоқда, аммо ҳаваскорлик жамоаларида – тор, қашқар рубоби, танбур, най, ғижжак, чанг-қобуз, сурнай, карнай, ноғора каби чолғулари ҳам тарқалган. Туманда катта ашула ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари ҳам янги муҳит, муסיқий вазият таъсирида учрамоқда.

Бўстонлиқ тумани Тошкент вилоятининг азалий тоғли туманларидан бири бўлиб, шимолда Қозоғистоннинг Шимкент тумани, шарқда Қирғизистон ва Наманган вилояти, жанубда эса Юқори ва Ўрта Чирчиқлар, Қибрай туманлари билан

чегарадош. Ушбу туманда турли миллат вакиллари истеъқомат қилиб, маданияти ҳам турфа ранглар каби жилоланиб бошқа туманлардан ажралиб туради. Кўкёнғоқ қишлоғида ўтказилган археологик текширишларда ҳумдонлар ва кумуш буюмлар ясаладиган корхона қолдиқлари топилган. Бунда ўйма, чизма ва босма усулларида безатилган заргар буюмлари ҳам топилган.

Туманда мусиқа маданияти ҳам кенг ривожланган бўлиб, бунинг исботи, экспедиция жараёнида яққол намоён бўлди. Бўстонлиқ тумани қишлоқларида яшовчи аҳолининг маданий ҳаёти савияси нуқтаи назаридан уч гуруҳга бўлиш мумкин. Балки бунга шаҳарга нисбатан тоғли водийларнинг жойлашиши, ўрни, техник воситаларнинг имкониятлари ҳам сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

1. Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг замон тараққиётига мувофиқлиги; (Ғазалкент, Барак)

2. Замон тараққиётидан хабардор, лекин амалиётида жорий қилинмаган (Кўшқўрғон, Сойлиқ, Хондайлиқ, Оштош, Қоронқўл, Хўжакент, Чорвоқ, Чимён, Хумсон)

3. Азалий анъаналар негизидан истиқомат қилаётганлар:

Биринчи гуруҳ ҳудудларига Ғазалкент ва Барак қишлоғини кўрсатиш мумкин. Бу ҳудудларда аввало саноатнинг етакчи тармоқлари жойлашганлиги учун аҳолининг аксарияти ишчи ходимларни ташкил этади. Кўп миллатли аҳолининг ҳар бири ўзларининг миллий халқ анъаналарини сақлашга ва ўзига ҳос ривожлантиришга интилишларини кўрсатиш мумкин. Бунга Ғазалкент маданият саройида



фаолият кўрсатаётган “Красная гвоздика” рус халқ хор ва ансамбли, немис фольклор ансамллари ёрқин мисолдир.

Миллий қадриятларни тиклаш, сақлаш ва келажак авлодга муносиб етказиш мақсадида, Республикамизда биринчилар қатори ташкил этилган “Гульёр” фольклор-этнографик ансамбли туман маданий хаётида муҳим аҳамият касб этади. Бўстонлиқ худудларига хос тўй маросимлари ва урф- одатлари анжуманларни тарихий жараёнда шаклланиб, анъанага айланган намуналарни ўрганилди. Унутилганлари эса замон руҳига мос

тарзда тикланганлигини айтиб ўтиш жоиздир. 40 йилдан бери муносиб фаолият кўрсатиб келаётган ушбу ансамбль асосчиси Лазокат опа Нуримовадир. Лазокат опа ушбу ансамблга Бўстонлиқ қишлоқларида истиқомат қилаётган, шу билан бирга мусиқий анъаналаридан хабардор аёлларни таклиф этган. Шу давргача 400 дан ортиқ аёллар ансамблда қатнашиб келмоқдалар. 400 дан ортиқ халқ мусиқа намуналари тикланиб, ўрганилиб, ижод қилиниб репертуарларини бойитишга муяссар бўлганлар. Улар орасида ўзбек (асосий қисми), тожик, қозоқ куйи (сўзига тушунмаганим учун ёзилмаган)

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. М.Қошғарий. Девону луғатит турк. Уч томлик. 1-том. Тошкент: ЎзФА нашириёти, 1960.
2. А.Навоий. Мезон ул-авзон/ А.Навоий Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 16-жилд. Тошкент: Фан, 2000.
3. М.Жўраев, Л.Худойқулова Икки кўнгил бир бўлсин Тошкент, 2016
4. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси.-Тошкент:Фан, 1995
5. Е.Е. Романовская Статьи и доклады Записи музыкального фольклора Тошкент,1957
6. И.А. Акбаров. Мусиқа луғати. Тошкент.-1997
7. Ф. Кароматли Ўзбек халқи мусиқа мероси. Тошкент,1978